

*Рузиев Х. Д.*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

*Тарих факультети катта ўқитувчиси*

**ҚАДИМГИ ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВДА ДАВЛАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
БОРАСИДАГИ ҒОЯЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ**

*Аннотация: Тадқиқот иши давлат салоҳияти ва давлат институтлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги масалаларга бағишланган назарий қарашлар эволюциясини ўрганишга бағишланади. Муаллиф эмпирик ёндашув доирасида изланиш олиб борган ва файласуф олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда давлат институтлари салоҳияти ва имкониятларини таҳлилий ёндашувлар асосида очиб беради.*

*Калит сўзлар: қадимги Ғарб цивилизацияси, сиёсий институтлар, назариялар, демократия, давлатчилик, давлат салоҳияти, қиёсий тадқиқотлар.*

*Ruziyev X. D.*

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

*Senior Lecturer of the Faculty of History*

**EVOLUTION OF IDEAS OF ENHANCING THE POTENTIAL OF THE  
STATE IN MODERN GOVERNMENT IN ANCIENT WESTERN  
CIVILIZATION**

*Abstract: The scientific work is devoted to the study of the evolution of theoretical views on the relationship between state capacity and state institutions. The author conducted the study within the framework of the empirical approach and*

*analyzed the theoretical views of philosophers and scientists, revealing the potential and capabilities of state institutions based on analytical approaches. Keywords: political institutions, theories, globalization, democracy, statehood, state institutions, comparative studies.*

*Аннотация: Научная работа посвящена изучению эволюции теоретических взглядов на взаимосвязь государственной дееспособности и государственных институтов. Автор провел исследование в рамках эмпирического подхода и проанализировал теоретические взгляды философов и ученых, раскрывая потенциал и возможности государственных институтов на основе аналитических подходов.*

*Ключевые слова: политические институты, теории, глобализация, демократия, государственность, государственные институты, сравнительные исследования.*

XXI Асрнинг дастлабки ўн йилликлари давомида дунё миқёсида рўй берган сиёсий жараёнлар, глобаллашувнинг ниҳоятда интенсивлашиб кетиши, халқаро муносабатлар тизимидаги муаммолар кўламини ортиши, хавфсизликни таъминлаш борасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни давр эҳтиёжлари ва талабларига жавоб бера олиш даражасига кўтарила олмасдан қолаётганлиги каби ҳолатлар инсоният хаётини ташкил этишнинг энг универсал институти бўлган давлат ва унинг салоҳиятини юксалтириш масаласини ниҳоятда долзарблаштириб юборди.

Зеро, айнан давлат омилининг концептуал имкониятларини юқори бўлиши унинг томонидан энг долзарб бўлган сиёсий қарорларни ўз вақтида аниқлаб олиб, қабул қилиш ва самарали равишда амалга ошира олиш лаёқатини мустаҳкамлаб борилиши ҳозирги даврда мамлакатлар ва халқлар барқарор ривожланишининг энг муҳим асосини ташкил этмоқда.

Хозирги даврнинг халқаро миқёсдаги тажрибалари кўрсатиб турганидек мамлакатлар демократлашувининг муваффақиятли тарзда кечиши ҳам бевосита давлатнинг салоҳияти билан боғлиқ бўлмоқда. Шу боис ҳам сиёсатшунослик назариясида давлатнинг салоҳиятини (State copositi) юксалтириш, унинг ҳозирги замоннинг мураккаб талабларига муносиб жавоб берган ҳолда изчил сиёсий тараққиётни таъминлай олиш имкониятларига эга бўлишига доир назарий асосларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган тадқиқотларга нисбатан талаблар ниҳоятда кучайиб бормоқда.

Миллий юксалишнинг энг муҳим вазифаларини амалга ошириш, учинчи Ренессанснинг пойдеворини барпо қилиш жараёнлари замонавий ислохотларнинг етакчи мақсадига айланган Ўзбекистон ватанимизда давлат ва унинг институтлари самарадорлигини тубдан ривожлантириш, давлат институтининг сиёсий қарорларини миллий юксалиш манфаатларидан келиб чиқиб превентив равишда стратегик дастурларни амалга ошира олиш салоҳиятини мислсиз юқори даражага кўтаришга ўлкан аҳамият берилмоқда. Замонавий ва ҳар томонлама янгиланиб боровчи демократик тараққиётни таъминлаш учун зарур бўлган, куч-қувватга эга бўлган давлат институти фаолиятини изчил ривожлантириб бориш Ўзбекистон Республикаси стратегик тараққиётининг энг етакчи йўналишини ташкил этмоқда.

Шу муносабат билан Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиши кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ”.<sup>1</sup>

Юқорида баён қилинган фикрларга асосланган ҳолда эътироф этиш лозимки бугунги кунда мамлакатимизда “Харакатлар стратегияси” заминидан амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ислохотлар доирасида давлат институти салоҳиятини юксалтириши билан боғлиқ жараёнларнинг концептуал асосларини таҳлил қилиш, жаҳон миқёсида давлат институтларининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи,2020йил 30-декабрь №276 (77-78)

салоҳияти, сиёсий имкониятларини ривожлантиришга доир илгари сурилаётган назарий хулосалар, ғоялар динамикасини қиёсий таҳлил қилиш асносида улардаги рационал жихатлар, инновацион асосларни аниқлаш нихоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кучли давлатчилик салоҳияти илк давлатлар пайдо бўлгандан бери файласуф ва сиёсатчиларни доим диққат марказида бўлиб келган. Давлат бошқаруви санъати моҳир ҳукмдорларнинг қай даражада бошқарув салоҳиятига, билимига, халқ олдидаги легитимлигига, давлатнинг харбий салоҳиятига, ички ислохотлар ва ташқи иқтисодий-сиёсий алоқаларига эга эканлиги билан ажралиб турган. Ҳар қандай ҳукмдор етарли билим ва тажрибага, алоҳида бошқарув қобилиятига, атрофида билим ва тажрибага эга бўлган садоқатли мулозимларига эга бўлмаса иқтидордаги ҳокимиятни тез ва осон қўлдан бой берган. Давлатни турли усуллар билан, яъни кўрқув остида ушлаб туриш ёки халқ муҳаббатига эришиб бошқариш мумкин, учинчи йўли эса янги замонавий авторитар ёки тоталитар усул - ёлғон ваъдалар билан халқ ишончини қозониш ва давлатни самарали бошқариш имконияти амалга оширишдир. Ёлғонга асосланган давлат бошқаруви жамиятни ишонтириш учун ўзининг маълум маслақдош ёрдамчиларига ёки манфаатлар эвазига кўплаб тарафдорларга эга бўлади (замонавий тилда троллар армияси), большевиклар тузуми айнан ёлғонга асосланган эди.

“Давлат салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ назарий асослар ривожини тадқиқ этишнинг методологик асослари”, “Давлат ва унинг институтлари имкониятлари ва лаёқатини юксалтириш”, “Давлатнинг универсал сиёсий институт сифатидаги функциялари” каби масалаларга доир ўзларининг фалсафий қарашларини қадимги Юнон ва Рим файласуфлари Гераклит (эр.ав. 530-470), Демокрит (эр.ав. 460-370), Сукрот (эр.ав. 469-399), Афлотун (эр.ав. 427-347), Арасту (эр.ав. 384-322), Эпикур (эр.ав. 341-270), Зенон (эр.ав. 336-264), юнон тарихчиси Полибий (эр.ав. 210-123), Марк Туллий Цицерон (эр.ав. 106-43), қадимги Юнонистонда фаолият юритган софистлар

давлатчилик ва уни вужудга келиши, давлат салоҳиятининг юксалиши борасида ўзларининг қимматли тарихий фикрларини билдирганлар. Жумладан қадимги Шарқ мутафаккирларидан Лао Цзи (эр.ав. 604-Ҳаср), Конфуций (Кун-Цзи) (эр.ав. 551 - 479), Чжуан-цзы (эр.ав. 369-286) кабилар давлат салоҳияти юксалишига доир ўзларининг қиёсий–сиёсий ғояларини қолдирганлар.

Милоддан аввалги VII—III асрлардаги чуқур сиёсий ўзгаришлар қадимий бирлашган давлатнинг емирилиши ва алоҳида салтанатларнинг мустақамланиши, йирик салтанатлар ўртасидаги кескин кураш - турли фалсафий, сиёсий ва ахлоқий мактабларнинг шиддатли ғоявий курашида ўз ифодасини топди. Қадимги Хитой тарихидаги Чжангуо даври асосан “Хитой фалсафасининг олтин даври” деб аталади. Айнан шу даврда тушунчалар ва категориялар пайдо бўлди, улар кейинчалик барча Хитой фалсафаси учун, ҳозирги давргача анъанавий бўлиб қолади.

Бу даврда олтига асосий фалсафий мактаб эркин ва ижодий равишда мавжуд бўлган:

- даосизм*: Бу таълимот - Коинот уйғунлик манбаи, шунинг учун дунёдаги ҳамма нарса, ўсимликлардан тортиб, одамларгача, ўзининг табиий ҳолатида гўзалдир. Одамларни тинчлик ва сокинликда қолдирувчи ҳукмдор - энг яхши ҳукмдордир. Аввалги давр даосизм вакиллари: Лао-цзы, Ле-цзы, Ян Чжу, Чжуан-цзы, Инь Си, Вэнь-цзы. Кейинги давр даосизм вакиллари: Ли Цюань, Гэ Хун, Чжан Бодуань, Ван Сюаньлань.

- конфуцийлик*: ҳукмдор ва унинг амалдорлари мамлакатни адолат, ҳалоллик ва муҳаббат тамойиллари асосида бошқариши керак. Деспотик марказлашган давлатнинг ахлоқий қоидалари, ижтимоий меъёрлари ва бошқарувини тартибга солиш ўрганилди. Ушбу мактаб вакиллари: Конфуций, Цзы Сы, Цзэн-цзы, Ю Жо, Мэн-цзы, Сюнь-цзы, Цзы-гао.

- моизм*: бу таълимотнинг маъноси умуминсоний севги ва фаровонлик ғоялари эди, ҳар бир киши ўзаро манфаатлар ҳақида ўйлаши кераклиги

таъкидланади. Бу мактаб таълимоти вакиллар: Цинь Хуали, Мо-Цзы, Тянь Сян-цзы, Мэн Шэн, Фу Дунь.

•*қонунишунослар мактаби*: ижтимоий назария ва давлат бошқаруви муаммолари билан шуғулланган. Ушбу мактаб вакиллар: Ли Куй, Шэнь Бухай, Шан Ян, У Ци, Хань Фэйцзы; баъзан бу мактаб вакиллари қаторига Шен Даони ҳам киритишади.

•*номлар мактаби*: нарсаларнинг номлари ва моҳияти ўртасидаги номувофиқлик тартибсизликка олиб келади. Вакиллар: Хуэй Ши, Дэн Си, Гунсунь Лун, Мао-гун. Баъзан бу мактаб вакиллари қаторига Инь Вэняни ҳам киритишади.

•*инь ян цзя*: бу таълимотлар издошлари натурфалсафий-космологик ва оккулт-нумерологик масалалар билан шуғулланган. Бошланғич қоронғулик (Инь) ва ёруғлик (Ян) мактаби. Бу мактаб издошлари ҳодисаларни фақат табиий кучлар нуқтаи назаридан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бу мактаб вакиллари: Чжан Цан, Цзы-вэй, Цзоу Янь. Натурфалсафий таълимотлар асосчилари қаторига Юнон файласуфларидан Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Диоген ва Гераклитлар киритилади.

Аксарият мактабларда дунёвий донолик, ахлоқ ва бошқарув муаммолари билан боғлиқ амалий фалсафа устунлик қилди. Назарий асос энг кўп даосизмда ривожланган; бошқа мактабларда мафкуравий асослар заиф ёки бошқа мактаблардан олинган.

Конфуций қадимги Хитойнинг энг нуфузли файласуфларидан бири эди. Унинг таълимоти фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихида Сукротдан кейин муҳим рол ўйнаган. Конфуций давлатнинг патриархал-патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг таъкидлашича, давлат – катта бир оиладир. Император ҳокимияти гўё оила бошлиғи – отанинг ҳокимиятидек адолатли ва кўл остидагиларига меҳр-шафқатга асосланган. Ҳукмдор ва фуқаролар муносабати оила аъзоларининг муносабатини эслатади: яъни кичиклар катталар қарамоғида ва уларга қатъий итоат қилади. Конфуций

демократик қарашларни инкор этади, таълимотларида барчани императорга мутлоқ бўйсунтиш ғоясига ундайди, шунинг учун ҳам минг йиллар давомида хитойликлар зеҳниятида иерархик бўйсунтиш сақланиб келмоқда. Бундай фалсафий таълимот нафақат хитойликлар хаётида балки япон, корейс, мўғул миллатлари дунёқарашида ҳам мавжуд эди. Албатта бу ҳолат давлат салоҳияти юксалишидаги ички тартибот мустаҳкам бўлишига, барча жамият аъзолари қонунларга мутлоқ риоя қилишлари, давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларни сўзсиз бажаришларига асосий ғоя бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда Шарқ давлатларида демократлашув жараёнлари кечмоқда, жумладан, Жанубий Корея, Хиндистон, Япония, Малазия, Индонезия, Сингапур каби давлатлари мисолида кўриш мумкин.

Қадимги Хитой фалсафасининг ривожланишида муҳим ўрин тутган классик даврининг охири (милоддан аввалги III аср охири) файласуфларнинг таъқиб қилиниши, қўлғаларнинг ёқиб юборилиши билан кечди<sup>2</sup>.

Давлат салоҳиятини юксалтириш борасидаги ғояларни қадимги Фарб ва Шарқ мутафаккирлари эмпирик жихатдан асослаб берган эдилар. Фарб мутафаккирлари давлат бошқаруви ҳақидаги ғояларида асосий урғу давлат бошқарувида кимлар асосий ролда бўлиши талқин қилинади. Яъни, халқ давлат бошқарувдаги иштироки масаласи демократик тамойиллар асосида, ёки аристократия бошқарувнинг асосий мезон эканлиги, балки аралаш типдаги бошқарув афзаллиги талқин қилинади.

Қадимги юнон тарихчиси Геродот (эр.ав. 484-425)<sup>3</sup> ўзининг 9 та китобида давлатлар ҳақида маълумотлар келтиради, Цицерон уни тарих отаси деб атайдди. Ўз даврида мазкур китобларида Форс, Миср, Бобил, Оссурия, Скифлар давлатчилиги, умуман хулоса қиладиган бўлсак буюк давлатлар шаклланиши ва юнон-форс урушлари ҳақида қимматли тарихий маълумотларни қолдирган.

Афиналик файласуф Сукрот (эр.ав. 469-399) жамият ишларида фаол иштирок этиб ўзидан бирон асар ёзиб қолдирмаган, асосий ғояларини

---

<sup>2</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Китайская\\_ философия](https://ru.wikipedia.org/wiki/Китайская_философия)

<sup>3</sup> <https://uz.wikipedia.org/wiki/Gerodot>

шогирдлари Ксенофонт, Аристофан ва Платонларнинг асарлари орқали етиб келган. Суқрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказган.<sup>4</sup> Унинг «Куч – билимда»<sup>5</sup> деган фикри замонамизнинг асосий негизи бўлганлиги аҳамиятлидир. У шундай дейди: “Денгиз бўйлаб кемада саёҳатга чиқмоқчи бўлсанг, кема йўлбошчисини тайинлаш вазифасини кимга топширган бўлардинг? Исталган кишигами ёки денгизчилик таълимотини олган мутахассисларгами? Албатта, мутахассисга. Шундай экан, нега исталган одам давлат раҳбарини тайинлаш вазифасига лаёқатли деб ўйлашда давом этамиз?!”<sup>6</sup> Суқрот сайлов маданияти ҳақида актуал фикрлар билдиради, яъни сайлов тасодифий жараён эмас, балки қобилият талаб қиладиган ҳаракат деб баҳолайди. Билимсиз халққа сайлаш ҳуқуқини бериш тажрибасиз кема йўлбошчисини тайинлаш каби хавфли эканлигини, сайлаш тизимли равишда халққа ўргатилиши ва жамият муаммоларини чуқур мулоҳаза қиладиган одамларгина сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Суқрот тор доирадаги элита ёки давлатни ўзбошимчалик билан бошқарувчи ҳукмдор тиранга қарши бўлган, реалист сифатида давлатни билимли одамлар бошқариши, халқ иродаси ифодаланадиган адолатли қонунлар тарафдори эди. У ўз ғояларида биринчи бор давлат бошқарувида халқ билан шартномавий муносабатлар шаклланиши ҳақида фикрларни илгари суради. Аслида халқнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги давлат бошқаруви жараёнида шакллантирилган бўлса, сиёсий элита демократик тамойиллар асосидаги бошқарувга эга бўлсагина сайлов жараёнидаги халқнинг иштироки самарали натижалар беради. Сайловдан кейинги бошқарувдаги ютуқлар халқнинг назорати остида амалга оширилса, яратиладиган қонунлар халқ манфаатларига хизмат қилса жамият аҳли ўзини эркин ва хотиржам ҳис қилади. Шу ўринда Суқрот сайловлар жараёнида чуқур мулоҳаза қилувчи шахслар иштироки ҳуқуқий позицияга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди, аслида ҳар қандай давлат фуқаролари

<sup>4</sup> Суқрот. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/469-399/>

<sup>5</sup> Суқрот. <https://oyina.uz/kiril/teahouse/2297>

<sup>6</sup> <https://human.uz/8/46/6332> Суқрот мафқураси ёхуд сиёсий плюрализмда интеллигенция вакилларининг ўрни ҳақида.



тўлақонли чуқур сиёсий-ҳуқуқий фикрлай олмайди, давлат аҳолисининг катта қисми деҳқончилик ва хунармандчилик билан банд бўлиб давлат сиёсати билан қизиқмайди, айнан сиёсий ва ҳуқуқий билими бўлган етакчилар аҳолининг қолган қисмини сайловларда иштирок этиш учун керакли маълумотларни бериб барчани фаол бўлишга ундаши мумкин.

Афлотун (м.а. 427-347) асосий исми Аристокл, ўзининг “Қонунлар” асарида икки ҳил давлат тузумини қиёслайди, яъни қонунлар ишламайдиган, кимнингдир ҳокимияти остидаги ҳалокатга яқин бўлган ва қонунлар ҳукмдорлар устидан ҳукмрон бўлган фаровон давлатлар ҳақида фикр юритади. Фақат қонунларга амал қилган давлат ва жамият барқарор бўлиб жамиятда фаровонлик ва тинчлик ҳукм суради. Шу ўринда давлат қурилишининг икки тури бор деб ҳисоблайди, бири мутлоқ ҳукмронликдаги ва иккинчиси демократик, давлат қурилишининг бошқа турлари шу иккисининг бирлашишидан ташкил топади дейди. Афлотуннинг фикридаги фақат қонунларга амал қилган давлат аслида жамият фуқароларининг сиёсий тафаккури, давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллигига боғлиқ бўлади. Мутлоқ ҳукмронлик аксарият ҳолларда жамият аъзоларига давлат бошқарувига аралашувни маъқулламайди ва демократия билан уйғунликда бирлашиш ғояси амалда мумкин бўлмай қолади.

Ҳар бир файласуф ўз давридаги объектив реалликдан келиб чиқиб ижод қилади. Афлотуннинг қарашлари Ғарб фалсафасига катта таъсир кўрсатган. Демак, Афлотун мутлоқ ҳукмдорлик форслар давлатида яхши ривожланди, юнонларда эса демократия деб ҳисоблайди.<sup>7</sup> Форслар империяси, умуман олганда шарқ давлатларидаги давлат бошқаруви минг йиллар давомида манарҳияга асосланган бўлса балки шунинг учун ҳам минтақада демократияга асосланган жамиятни қуриш жараёнлари оқсоқланиб келаётгандир, давлатлар миқёсида қабул қилинаётган ҳуқуқий-демократик ислохотлар жамият томонидан яхши ўзлаштирилмаслиги ҳам демократик тафаккурни шаклланишига тўсқинлик қилади. Аксарият Шарқ давлатларида жамият

<sup>7</sup> Муқимжон Қирғизбоев. Сиёсатшунослик. Тошкент. Янги аср авлоди 2013й. 33 бет.

зехниятни авторитар бошқарувга мос равишда шаклланган ва ижтимоий-сиёсий бошқарувга мухтожлик сезади, натижада демократик тамойиллар асосидаги жамиятни қура олмайди.

Афлотун идеал давлат ҳақида фикр юритар экан давлат адолат тамойилларига асосланиши керак дейди, шахс манфаатларидан давлат манфаатларини устун қўяди. Идеал давлат аҳолисини уч тоифага бўлади: 1) файласуф-ҳукмдорлар; 2) жангчи ва соқчилар; 3) деҳқон ва хунармандлар. Афлотун асосий эътиборини файласуф-ҳукмдорлар ва жангчи-соқчиларга қаратади, шу икки синф битта ҳукмрон синфга бирлашади ва давлат ҳавфсизлиги айнан шулар зиммасида деб ҳисоблайди. Файласуф-ҳукмдорлар энг таниқли соқчилар орасидан танланади ва улар мукамал кўриқчилар, соқчилар эса ҳукмдорларнинг ёрдамчилари деб атайди. Ҳукмрон синфлар ўз ҳаётини умумий манфаатларга хизмат қилишга бағишлайди, Афлотуннинг фикрича инсон манфаатларига хизмат қилиш бир неча шартлар орқали амалга оширилади: 1) меҳнат тақсимоти; 2) соқчиларнинг турмуш тарзи; 3) мақсадли тарбия. Идеал давлат ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир инсон ўзи севган ишга эътиборини қаратади, манфаатдор бўлган иши унинг шахсий фойдаси бўлиб омади билан янада муваффақиятли бўлса у ўз ишини янада севади, дейди. Ҳақиқий файласуфлар ҳақиқатни, адолатни ва эзгуликни ҳаммадан кўпроқ қадрлаб давлат манфаатлари ҳақида қайғурадилар. Ҳарбийлар ва кўриқчилар ҳаётида ҳамма нарса умумий бўлиб шахсий ва хусусий мулк уларда бўлмаслиги, олтин ва кумушларга қизиқмаслиги, бойликка қизиқиш улар орасида келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Натижада ҳарбийлар ва кўриқчилар ўртасида бирлик мустаҳкамлагнади. Агар давлат бошқарувига керакли хусусиятларга эга бўлмаган одамлар келса давлат барбод бўлади, дейди. Ҳарбийлар ва кўриқчиларнинг фарзандларида зарур мойилликлар, маълум қобилиятлар бўлмаса уларни деҳқон ва хунармандлар синфига ўтказиб юбориш, деҳқон ва хунармандларнинг фарзандларида зарур мойилликлар, маълум қобилиятлар бор бўлса ҳарбийлар ва кўриқчилар синфига

Ўтказиб юбориш керак дейди. Афлотун жамиятда табақаланишга эътибор берган бўлса ҳам қобилиятли шахларнинг келажаги ҳақида ҳам қайғуради. Фақат адолатли, етарли билимларга эга бўлган, бошқарув қобилияти мужассам бўлган, қалбида халқ манфаатларига хизмат қилиш шаклланган бошқарувчилар давлат идораларини муваффақиятли бошқарадилар. Фақатгина синфий жихатдан шаклланган, бошқарув мерос бўлиб ўтадиган давлат бошқаруви давлат салоҳияти юксалишига жиддий салбий таъсир кўрсатади, Бойлар ва мансабдорлар ўз фарзандларида бошқарувга оид қобилияти бўлмаса ҳам ўз таъсири остида мансабга йўналтирса, давлат бошқарувида иштирокини таъминласа давлат ичидан емирилиб барбод бўлишини Афлотун қадимдан ўз изланишларида таъкидлаб ўтган.

Файласуфлар ҳукмронлик қилишлари учун қобилиятли шахслар ёшлигидан билим олиши, ҳарбий юришларда иштирок этиб товланиши, 20 ёшга тўлганда меҳнатда, илм-фанда ва хавф туғилганда ўзини энг қобилиятли деб кўрсата олганларни махсус рўйхатга киритилиши ва бошқарувчи мулоҳаза юритиш санъатига эга бўлиши ҳақида фикр билдиради ва шундай шахслар турли лавозимларга қўйилиши лозим дейди. Давлатнинг салоҳияти ҳам шундай тартибли жамиятда юксалиши табиий.

Афлотуннинг фикрича идеал давлат ёпиқ ва нисбатан кичик бўлиши керак, чунки ташқаридан кириб келувчи ҳар қандай ёлғон қадрият одамларни чалғитади, нисбатан кичик бўлмаган йирик давлатни бошқариш қийин бўлади дейди, шунинг учун давлат жуда катта ва жуда кичик бўлмаслиги керак дейди. Файласуфнинг фикридаги ёпиқ давлат ташқи дунёдан тўсилиб маданият ва тараққиётдан ортда қолиб кетиши, дунёда рўй бераётган кашфиётлардан, сиёсий-иқтисодий жараёнлардан беҳабар қолиши мумкин. Бу каби сиёсатни йўл тутган собиқ Совет Иттифоқи тараққиётдан анча ортда қолган эди. Бошқа давлат қадриятларига одамларни чалғитиш, давлат мустаҳкамлигига раҳна солувчи маданият сифатида қараш ҳам хато ғоядир, балки қадимги давлатлар сони жихатдан камлиги файласуфни шундай фикрлашга ундаган бўлиши

мумкин, лекин қадимги давр давлатлари ўзаро маданиятлар алмашинуви ёки савдо-иқтисодий алоқалар туфайли ривожланди. Файлуфнинг фикридаги йирик давлатларни бошқариш қийинчилик туғдириши мумкин, бошқарувдаги хатолар давлат парчаланишига ҳам сабаб бўлади, лекин йирик давлатларни сиёсий элитаси кучли бўлса ва ҳукмдорга нисбатан давлат фуқароларининг муҳаббати, бошқарув аппаратининг легитимлиги йирик давлатларнинг бошқарувида самарали эффект беради. Тарихда Рим империяси, Усманийлар халифалиги, Хитой давлатлари бунга мисол бўла олади.

Унинг ғоясидаги идеал давлат амалга ошиши мумкинлигига ишонган эди, бунинг учун ҳукмдорнинг ворислар ўзлари каби файласуф ва давлатни адолат билан бошқара олиши, фуқаролар ҳукмдорга итоатда бўлиб яратилган қонун-қоидаларга бўйсуниб яшайдилар деб тахмин қилади. Демак файласуф монархия тарафдори сифатида ворисларнинг давлатни мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб тўлақонли бошқаришига ишонган, тарихда аксарият ҳолатларда ворисларнинг бошқарув қобилиятсизлиги туфайли давлатни кучсизлантириб мустамлака бўлишига сабабчи ҳам бўлганлар.

Афлотун ўзининг “Қонунлар” асарида давлат дини мукаммал полисининг зарур элементи, диний таъсирлар натижасида давлат фуқароларини бошқариш осонлашади деб ҳисоблайди. Тарихий тараққиётлар жараёнида диний уламоларнинг давлатга таъсири сезиларли даражада намоён бўлган эди. Ғарб инквизиция даврида кўплаб бегуноҳ одамлар диний таъқиблар ва қийноқлар остида нобуд бўлгани ва янги асрларда дин давлатдан ажраб чиқиши жараёнлари юзага келишига олиб келган эди.

Арасту (м.а. 384-322) давлатни мураккаб сиёсий ташкилот деб фикрлайди ва давлат фуқароларнинг маълум қисмини бирлаштиради. Тенглик демократиянинг биринчи кўриниши бўлиб, мулксизлар ҳам мулкдорлар ҳам бирон имтиёзга эга эмаслар ва давлат бошқарувида ҳамма иштирок этиши керак дейди. Арасту ўз асарларида илк бора фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида фикр юритади.

Арасту Афлотуннинг идеал давлат ғоясини танқид қилади, яъни мулккий умумийлик, шу ўринда хотин ва болаларнинг эркаклар учун умумий бўлиши давлатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади дейди. У шахсий ҳуқуқлар, хусусий мулкчилик ва моногам оила ҳимоячиси эди. Коммунизм ғояси ҳам умумий мулкчиликка асосланган эди, бироқ умумий мулкчилик ғояси ҳеч бир жамиятда ўзини оқламайди. Чунки инсоният ақлий-интеллектуал, меҳнатга оид, ҳуқ-атвори, соғлик ва саломатлиги борасидаги муносабатларда тенг эмаслиги билан ажралиб туради.

Арасту кулдорлик тарафдори бўлиб онгли кимсаларнинг кул бўлишига қарши эди, кул етарли кучга эга ва ақлга эга бўлмаган бўлиши керак деб ҳисоблайди. Хатто урушда асир олинганлар зобитлар қўл қилинмаслиги керак деб фикр юритар эди. Инсон ижтимоий мавжудот, у биргаликда яшашга интилади, дейди. Ижтимоий ҳаётнинг биринчи натижаси – оила, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар шаклланишидир. Ўзаро алмашилиш зарурати оилалар ва яшаш маконларининг алмашинувиغا олиб келади ва давлатлар пайдо бўлади. Фуқароларнинг камолоти эса улар мансуб бўлган жамият сифатига боғлиқ бўлади, комил инсонларни яратиш учун комил фуқароларни, комил фуқароларни яратиш учун комил давлатни яратиш керак дейди. Албатта бу ўхшаш фикрларни Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида ҳам учратиш мумкин.

Файласуф жамиятни уч қатламга ажратади: 1) жуда бадавлат; 2) ўрта; 3) ўта камбағал. Энг яхши жамият ўрта қатлам жамиятидир деб ҳисоблайди. Давлатда жуда бадавлатлар ва ўта камбағаллар қатлами кўпайса, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлганлар билан бойлар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Аҳоли гавжум бўлган давлатни ҳам ёқламайди, чунки давлатаҳолиси қанчалик кўп бўлса қонунларга итоатсизлик ҳам шунчалик кўп бўлади деб ҳисоблайди. Давлатнинг энг самаралиси ҳарбий юришларда ва бошқарувда қатнаша оладиган эркак фуқаролари деб ҳисоблайди. Аҳолиси кам бўлган давлатни ҳам, аҳолининг асосий таркиби аёллар ва ҳунармандлар иборат бўлган

давлатни ҳам самарасиз давлат деб ҳисоблайди. Ҳар бир давлат демографик сиёсатни тўғри олиб бориши керак дейди.

Марк Туллий Цицерон (м.а. 106-43) қадимги Римлик мохир нотик, сиёсат ва давлат арбоби бўлиб ҳаёти ва характери жиҳатидан қадимги дунёдаги бошқа ҳар қандай шахсга қараганда яхшироқ ва чуқурроқ ҳужжатлаштирилган шахс эди. Унинг ҳаёти-ижоди давлат ва ҳуқуқ масалаларига қаратилган бўлиб “Давлат ҳақида”, “Қонунлар ҳақида” асарларида кенг ёритилган. Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назариясига стоиклар ва қадимги қадимги юнон файласуфларидан Арасту, Афлотун ва Полибийнинг қарашлари сезиларли таъсир кўрсатган. У давлат ва халқ ҳақида фикр юритар экан “Давлат халқ мулкидир, халқ эса қандайдир тарзда бирлашган одамлар бирлашмаси эмас, балки қонун ва умумий манфаатлар бўйича келишув асосида боғланган кўп одамларнинг иттифоқидир”<sup>8</sup>, – дейди.

Цицеронга “ватан отаси” унвони берилади.<sup>9</sup> Давлат ва жамият ишларида ўта фаол бўлган ва қадимги юнон файласуфларининг сиёсий фикрлари таъсирида Рим сиёсий – ижтимоий мафкурасини яратди.

Цицерон ҳам Афлотун каби дин ва диний институтлар давлат учун фойдали ва керакли зарур воситадир дейди. Диний эътиқод шаҳар аҳолисининг ахлоқий тафаккури ижобий шаклланишига таъсир қилади. Давлат бошқаруви самарали бўлишида диннинг роли катта, яъни барчани худо бошқаради, барча воқеа ва ҳодисалар худонинг иродаси махсули бўлиб ҳар кимнинг ихтиёри ва қарори, қилаётган амаллари ва уй-фикрлари, инсоннинг қандай эканлиги, ўз бурчларини бажараётган ёки бажармаётганлиги, маросимларни қандай ўтказаяётганлигини худо билиб туради. Демак, файласуф одамлар диний эътиқодлари ортидан ноўрин қарорларни қабул қилмасликларига ишонади. Давлат тан олган диндан бошқа янги ёки четдан келган дин давлат худудида бўлмаслиги керак дейди. Шунинг учун ҳам Цицерон ижтимоий институтлардан

<sup>8</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/Цицерон>

<sup>9</sup> Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. Урфон Отажон таржимаси. Тошкент. Янги аср авлоди. 2007 йил. 11 бет

хам кўра диний эътиқод биринчи ўринда туради деб ҳисоблайди. Дин инсонларни ҳар қандай қабихликлардан тўсиб турувчи восита сифатида кўради. Бугунги замонавий бошқарувда давлат диндан ажралиб бошқарув тизими дунёвийликка асосланди, жамият дунёвийликни афзал кўра бошлади ва диний давлатлар санокли қолган бўлсада диний таъсир ҳам баъзи давлатларда сақланиб турибди. Масалан, Хиндистондаги жамият аъзоларининг касталарга ажралиши, араб давлатларидаги шариат қонунлари, Ватикандаги католицизм каби.

Умуман давлатчилик салоҳияти муаммоларини ўрганиш жараёнида давлатларнинг келиб чиқиши, сиёсий режимининг шаклланиши, жамиятдаги демократлашув ва демократик жараёнлар, давлатнинг иқтисодий ва интеллектуал имкониятлари, харбий ва ички хавфсизлик масалалари, давлат солиқ сиёсати каби масалалар замонавий сиёсатшуносларнинг асосий изланиш объектига айланди. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ғояларини ўрганиш афзалликлари шундаки уларнинг бебаҳо фикрлари асосида янги назариялар яратилиши ва мавжуд бўлганларни янада такомиллаштириш имконияти мавжуд.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи,2020йил 30-декабрь №276 (77-78).
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> Китайская\_философия
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Gerodot>
4. Сукрот. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/469-399/>
5. Сукрот. <https://oyina.uz/kiril/teahouse/2297>
6. <https://human.uz/8/46/6332> Сукрот мафқураси ёхуд сиёсий плюрализмда интеллигенция вакилларининг ўрни ҳақида.
7. Муқимжон Қирғизбоев. Сиёсатшунослик. Тошкент. Янги аср авлоди 2013й. 33 бет.

8. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Цицерон>
9. Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. Урфон Отажон таржимаси. Тошкент. Янги аср авлоди. 2007 йил. 11 бет